



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЁЗИЛГАН ТАСАВВУФИЙ АСАРЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Масъудхон Исмоилов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, тарих фанлари номзоди
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526768>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil
Ma'qullandi: 04-June 2024 yil
Nashr qilindi: 08-June 2024 yil

KEY WORDS

*тасаввуф, Нақшбандия, Хожа
Муҳаммад Порсо, сулаймонийя,
калом илми, ҳадис илми,
тафсир илми, фикҳ, Куръон
илмлари.*

ABSTRACT

Мақолада Темурийлар даврида ёзилган тасаввуфий асарларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида тарихий асарлардан ташқари тасаввуф таълимоти очиклайдиган рисолалар ва мутасаввифлар фаолияти ҳақида маълумот берувчи маноқиблар ҳам ёзилдики, бундай манбалар бизга ўша давр маънавий ҳаёти тарихидан хабар беради. Улардан бири Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” асарида Нақшбандия тариқати асосчисининг ҳаёти, кароматлари ва замондошлари ҳақида маълумотлар берилган¹.

Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти ҳақида унинг халифаси Мавлоно Яъқуб Чархий (1359-1447) ҳам “Рисолаи унсия” («Дўстлик ҳақида рисола») номли рисола ёзган. Муаллиф Яъқуб Чархий рисолада таъкидлашча, ўзининг Баҳоуддин Нақшбанд билан қилган суҳбатларида нақшбандия тариқати силсиласи, асосий қоидаларини таълим олган. Хожа Баҳоуддиннинг таълим-тарбиядаги услуби ва тариқат йўлида берган вазифаларини баён этган. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, манқабалари, таълимоти ва сулукдаги ислохотлари келтирилган.

Бу рисола “Силсилаи Нақшбандия” номи билан ҳам машҳур бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанддан Абдулхолиқ Ғиждувонийгача ва ундан то Муҳаммад алайҳиссаломгача тариқат силсиласи келтирилган. Яъқуб Чархий пири Баҳоуддин Нақшбанднинг айрим панду ўғитлари ҳам қўшимча қилган².

Баҳоуддин Нақшбанднинг яна бир халифаси Хожа Муҳаммад Порсо (1349–1420) ҳам унинг ҳикматли сўзларини тўплаб, “Рисолаи қудсия” китобини таълиф этган. Порсонинг “Мақомоти шайх Алоуддин Аттор” асари ҳам қимматли манбалар

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд / нашрга тайёрловчи М. Ҳасаний. – Тошкент, 2019.

² “Рисолаи унсия” кўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. № 5825/6; 500/1; 505/2; 517/2; 3410/3.

сирасига киради ва унда Нақшбанднинг катта халифаси Алоуддин Аттор (ваф. 1400 й.) тўғрисида маълумотлар баён қилинган³.

Порсонинг замондоши Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг (XIV аср охири – XV аср бошлари) “Анис ат-толибин” (“Толибларнинг суҳбатдоши”) асари ҳам Темурийлар давридаги тасавуф тарихига доир муҳим манбалардан биридир. Муаллиф ўз асарини “Наводир ал-усул”, “Шарҳ бидоя” каби манбаларга таяниб ёзган.

“Анис ат-толибин”да Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва сўфийлик фаолияти, турли сўфий ва шайхлар билан суҳбатлари, кароматлари, сўнгги дамлари ҳақида маълумотлар берилган. Чунончи, Дашти Қипчоқдан катта лашкарнинг Бухоро вилояти ҳудудига бостириб кириши воқеалари, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи бор ҳаж зиёратига бориши тафсилотлари ҳам мазкур асардан ўрин олган. Асар муаллифи аксар маълумотларни Хожа Алоуддин Аттордан эшитганини таъкидлаган.

Хожа Алоуддин Атторнинг фаолияти ҳақида “Маноқиб ва шамоили ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор” номли рисола Порсонинг яна бир замондоши Абулқосим ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Бухорий (XV аср) томонидан ёзилган. Муаллиф мазкур асардаги маълумотларни Хожа Муҳаммад Порсонинг рисоласидан олганини қайд этган. Рисолада Хожа Алоуддин Атторнинг 795/1393 йили Чағониёндан Бухорога қилган сафари, 802/1400 йили Чағониёнда вафот қилгани кабилар ҳақида айтилган⁴.

Мазкур даврда яратилган тасаввуфий асарлардан яна бири – “Мақомоти саййид Амир Кулол”. Бу асар муаллифи Шиҳобиддин ибн бинти Амир Ҳамза ибн Амир Кулол (XV аср). Яъни Шиҳобиддин – Амир Ҳамзанинг қизининг ўғли бўлиб, бобокалони саййид Амир Кулол ҳаётига доир маълумотларни бериш жараёнида XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда кечган тарихий воқеалар, ўлканинг маънавий ҳаётига дахлдор маълумотлар бериб борилган.

Асарда Сайид Амир Кулолнинг ёшлик йиллари, Муҳаммад Бобойи Саммосийга мурид тушгани, кейинчалик Жалолиддин Кешийни ўзига мурид қилиб олгани, соҳибқирон Амир Темури билан учрашиб, унинг келажаги улуғ бўлиши учун дуо қилгани каби маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, саййид Амир Кулолнинг ўғиллари – Амир Бурҳон, Амир Ҳамза, Амир Умар ва бир қизи ҳаётига доир ҳикоятлар ҳам келтирилган. Муаллиф Шиҳобиддин бобоси Амир Ҳамза орқали Хожагон-нақшбандия тариқати силсиласига ўзининг уланишини айтган. “Мақомот саййид Амир Кулол”да Баҳоуддин Нақшбанднинг саййид Амир Кулолга мурид бўлгани тафсилотлари ҳам ёзилган⁵.

Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда кечган тасавуф тарихи тафсилотларини Хожагон-нақшбандия тариқати силсиласи шайхлари ҳам ўз асарларида баён қилиб берганлар. Мисол тарзида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий (1404-1490) қаламига мансуб қуйидаги рисолаларни келтириш мумкин:

³ Хожа Муҳаммад Порсонинг илмий мероси кейинроқ алоҳида фаслда баён қилинади.

⁴ Ушбу рисола Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида № 11399/III рақамда сақланади.

⁵ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур асарнинг бир нечта нусхалари сақланади (№ 91,96,97,400/III,7560 ва б.).

1) “Фақарот ал-орифин” (бошқа номи – “Фақароти ҳазрати ҳақиқат ал-ҳақоик Хожа Аҳрор”)⁶.

2) “Рисолаи ҳавроия”⁷.

3) “Рисолаи волидия”⁸.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий ўз рисолаларида тасаввуфнинг, хусусан, хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий моҳиятини баён қилиб берган. Хусусан, Хожагон тариқатининг талаблари, мурид уларга тўла-тўқис амал қилиш билан бирга рўзгор эҳтиёжларини таъминлашга кифоя қиладиган бирор касб билан шуғулланиши зарурлиги, кам еб-ичиб кўпроқ зикрда бўлмоғи лозимлиги таъкидланган.

Мазкур рисолаларда тасаввуфнинг, хусусан, хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий моҳиятлари очиқ берилган.

Темурийлар даврида ёзилган ва тасаввуф тарихи, тасаввуф шайхлари ҳаёти ва суфийлар фаолиятини ёритишга бағишланган асарлардан бири “Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс”⁹ бўлиб, машҳур адиб, нақшбандия шайхи Абдурахмон Жомий (1414-1492) қаламига мансубдир.

Асарда машҳур сўфийлар – Зуннун Мисрий, Маъруф Кархий, Иброҳим ибн Аҳмад, Султон Боязид Бистомий, Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож, шайх Абулҳасан Харақоний, хожа Абдуллоҳ Ансорий, хожа Юсуф Ҳамадоний, Иброҳим ибн Шаммос Самарқандий, Шақиқ Балхий, Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий, Абулқосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Абу Зар Термизий, Ғийлон Самарқандий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий, Абу Жаъфар Фарғоний, Абу Бакр Шиблий, Иброҳим Марғиноний, Абулмузаффар Термизий, Абулҳусайн Марварудий ва бошқалар ҳаёти ҳақида қисқа маълумотлар ва уларнинг ибратли ҳикматларидан намуналар келтирилган.

“Нафаҳот ал-унс” асарининг қисқартирилган ва маълум қўшимчалар киритилган ўзбекчага таржимаси – “Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват”¹⁰ асари буюк шоир Алишер Навоий томонидан таълиф қилинган. Бу асарда айрим хожагон-нақшбандия шайхлари ҳақидаги маълумотлар илова қилинган. Жумладан, марказийосиёлик турк машойихлари хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким-ато, Исмоил-ато, Исҳоқ-ато, хожа Боязид, хожа Халил, Қўрқут-ато ҳаёти ва тасаввуфдаги ўрни хусусида ҳам сўз юритилган.

Марказий Осие тасаввуф тарихи, темурийлар даври тарихи кабиларга қизиқувчи мутахассисларга яхши маълумки, мазкур давр нақшбандия тариқати шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи асосий манбалардан бири Али Сафий ибн

⁶ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаси бор (№ 507/2, 503/8, 2967/2, 84/5 ва ҳ.к).

⁷ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида унинг бир нечта қўлёзма нусхаси бор (507/I, 1883/II, 890/V, 516/II), энг қадимгиси тахминан XV асрга, яъни муаллиф даврига тегишли (№507/I), қолган нусхалар XIX асрда кўчирилган.

⁸ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур рисолаининг бир нечта қўлёзма нусхалари бор (507/III, 516/I, 8237/III), энг қадимги нусхаси тахминан муаллиф даврига, яъни XV асрга тўғри келади (№ 507/III), ҳажми кичик, 14 varaқ.

⁹ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур асарнинг ўнлаб қўлёзма нусхалари мавжуд: 1331/2, 2136, 1976, 2996, 1755, 633, 11054 ва ҳ.к.

¹⁰ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ушбу асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд (5420, 1828, 3415, 857) ва энг қадимгиси XVIII асрга мансуб.

Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1532 й.) қаламига мансуб “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан қатралар”) асаридир¹¹.

Муаллиф Али ас-Сафий машҳур нақшбандий шайхи Хожа Аҳрорнинг муридларидан бўлганлиги сабабли, пирининг ҳаёти ҳамда ижтимоий-сиёсий ва сўфийлик фаолиятини кенг ёритган. Аксар маълумотларни пирининг суҳбатларида бевосита ўзи қатнашиб тўплаган.

Шу билан бирга “Рашаҳот” асарида нақшбандийлик тариқатининг тарқалиши ва қарор топишида беназир хизматда бўлган шайхлар қаторида Хожа Баҳоддин Нақшбанддан кейин Хожа Муҳаммад Порсо, Мавлоно Муҳаммад Фағоназий, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Алоуддин Ғиждивоний, Шайх Сирожиддин Кулол, Хожа Алоуддин Аттор, Мавлоно Ҳисомиддин Порсо Балхий, Саййид Шариф Журжоний, Мавлоно Низомиддин Хомуш ва Мавлоно Саъдиддин Кошғарий, Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий, Ҳазрати Хожа Аҳрор валий каби Темурийлар даври шайхлари келтирилган¹².

“Рашаҳот”дан кейин ҳам Темурийлар давридаги тасаввуф тарихини ёритувчи асарлар ёзилди. Улар нисбатан кейинги давр нақшбандий шайхлар фаолияти ҳақида оригинал маълумотларни ўзида акс эттириши билан қимматли манбалар сирасига киради.

Масалан, Абдурахмон Жомийнинг шогирди Абдулғафур Лорий. (ваф. 912/1506) қаламига мансуб “Такмилаи нафаҳот” – “Нафаҳот ал-унс” асари бўлиб, “Ҳошияи “Нафаҳот ал-унс” деб ҳам аталади¹³.

“Такмилаи нафаҳот”да Абдурахмон Жомийнинг мазкур асаридаги қийин ўринлари шарҳланган. Шунингдек, “Нафаҳот ал-унс”га кирмаган мутасаввифларнинг фаолиятига доир маълумотлар, Жомийнинг умри охиридаги воқеалар баён қилинган.

Бундан ташқари Абдулғафур Лорий “Мақомот Абдурахмон Жомий” (ёки “Маноқиби Абдурахмон Жомий”) номли асарида Жомийни тариқат шайхи сифатида таништиради. Унинг тариқат силсиласини Саъдиддин Кошғарийдан олганини ва бу билан Низомуддин Хомуш ва Хожа Алоуддин Аттор орқали Хожа Баҳоддин Нақшбандга уланиши каби маълумотлар келтирилган. Асарда санаб ўтилган шайхларнинг ўғитларидан намуналар ҳам илова қилинган.

Темурийлар даври машойихларининг ўғитлари, ибратли ҳаёт тарзлари ҳақида ҳикоя қилувчи манбалардан яна бири “Мажолис ал-ушшоқ” (“Ошиқлар мажлислари”) асари Султон Ҳусайн Мирзо томонидан 908-909/1503-1504 йилларда ёзилган. Рисоладаги ҳикоятларда илоҳий муҳаббат, тасаввуф моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган¹⁴.

Кўриниб турибдики, Темурийлар даври тасаввуф тарихига оид манбалар мутасаввиф алломалар томонидан бевосита ёзиб қолдирилган манбалар Марказий Осиё халқлари

¹¹ “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”нинг қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади. №1788, 2155/II, 1908, 100 ва х.к.

¹² Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ) – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 85-265.

¹³ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаси мавжуд № 1874, 1874, 2305/II, 756.

¹⁴ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида ушбу асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланади: №3476, 65, 1361, 4366, 3476.

маънавияти, маданияти тарихини ўрганишда муҳимдир. Тасаввуф алломалари, хусусан, нақшбандия тариқати шайхлари инсонларнинг гўзал ахлоққа эга бўлишлари учун, ёшларни одобли қилиб тарбиялаш йўлида аввало, ўзлари амалий жиҳатдан намуна бўлганлар ва маънавиятни назарий жиҳатдан баён қилувчи қимматли асарлар битиб қолдирганлар. Бу қимматли манбалар Ўзбекистон халқлари тарихини ёритишда ва бу орқали бевосита ёш авлодни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим қўлланмадир.

